# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 5 август, № 153 (6336) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Мамлакатимизда бола манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясига устувор даражада эътибор қаратилаётганига доир ахборот материали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.*

## Расмий ҳужжат сифатида тарқатилди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий олти тилида тарқатилган мазкур ҳужжатда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги муҳофазаси ва сифатли таълим олиши масалалари Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани қайд этилади. Жумладан, “Мамлакатда таълимни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда ривожланган давлатлар даражасида кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган миллий таълим тизимининг ҳуқуқий пойдевори яратилган”.

Шу билан бирга, унда 1994 йили Ўзбекистон “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни ратификациялаштиргани таъкидланади. Мазкур Конвенция мамлакатимизда расман имзоланган халқаро ҳужжатларнинг дастлабкиларидан бири ҳисобланади. Республикада “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Болалар манфаатлари, уларнинг ҳуқуқлари таъминланиши масалаларига оид қонуний ҳужжатлар халқаро меъёрларга мос келади. “Соғлом она — соғлом бола” миллий модели оналар ва болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрликни таъминлаш имконини яратди. Уни ҳаётга татбиқ этиш доирасида “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди”, дея таъкидланади ушбу материалда.

(Давоми 2-бетда).

Ли Ук Хон:

## ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак интилишлар самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликка оид 60 ҳужжат имзоланди.*

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан ЎзА мухбири **Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хон** билан суҳбатлашди.

*— Жаноб элчи, суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.*

— Географик жиҳатдан қулай жойлашган Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасида муҳим боғловчи бўғин бўлиб, улкан иқтисодий салоҳият, малакали кадрлар, ишлаб чиқариш қувватларига эга ва табиий ресурсларга бой давлатдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча жабҳалар — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида мамлакатда барқарорлик таъминланмоқда, бозор иқтисодиёти ривожланмоқда, саноат жадал тараққий этиб, аҳоли ҳаёт даражаси тобора юксалмоқда.

Иқтисодий соҳа ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, саноат, инфратузилма ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани самарасида Ўзбекистон тайёр маҳсулотлар экспорт қиладиган мамлакатга айланмоқда. «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» индустриал зоналарининг ташкил этилгани натижасида хорижий инвестициялар оқими кўпайди, саноатда ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланиб бораётгани ушбу лойиҳалар самарадорлигини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

24 йил

*Миллий қадриятлар — халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Мустақиллик йилларида уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналган халқ амалий санъатига эътибор кучайди.*



## БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

Ҳунармандчиликнинг унутилаёзган кўплаб турлари қайта тикланди. Соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шакллантирилди. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

— Соҳа вакиллари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни ўз фаолиятлари мисолида дилдан ҳис этиб туришибди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси раҳбари Акбар Муҳамедов. — Чунончи, уларга солиқ тўлови борасида имтиёзлар берилган. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонига мувофиқ, ана шу имтиёзлар 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди. Бундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган халқ амалий санъати усталаримиз дунёнинг бир қатор мамлакатларида ўз кўргазмаларини ташкил қилишаяпти. Халқаро анжуманларда фаол қатнашиб, миллий ҳунармандчилигимизни жаҳонга кўз-кўз этишаётир. Ҳозиргача уюшмамизнинг юз нафардан зиёд аъзоси АҚШ, Япония, Франция, Германия, Англия, Швейцария, Италия, Малайзия каби қатор давлатларда ўтказилган ана шундай тадбирларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Беш нафар вакилимиз ЮНЕСКОнинг “Моҳир ҳунарманд уста” сертификати билан тақдирланди. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичида ҳозирги кунга қадар тўрт нафар устамиз биринчи ўринни, икки нафар ҳунармандимиз 2-ўринни, яна иккита вакилимиз эса 3-ўринни эгаллаган.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Эътиборли жиҳати, ёшларимиз ўртасида ҳам халқ амалий санъатига қизиқиш кучаймоқда. Агар уюшма ташкил топган 1997 йилда аъзолар сони 200 нафар атрофида бўлса, айни пайтга келиб улар сони 1200 нафардан ошди. Фирдавс Абдуллаев ана шундай навқирон авлод вакилларидан биридир.

— Ҳунармандларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан руҳланиб, мен ҳам ушбу соҳада астойдил фаолият юрита бошладим, — дейди у. — Ипак гиламлар тўқишни, сўзаналар тикишни йўлга қўйдим. “Устоз — шогирд” мактабини ташкил этдим. Ҳозир қадимий Бухоронинг қоқ марказида жойлашган цехимизда ўттиз нафардан зиёд қиз меҳнат қилаяпти. Уларнинг барчаси истиқлол фарзандларидир.

— Ҳунармандчиликка болалигимдан қизиқаман, — дейди Зарнигор Яҳёева. — Уч йилдирки, ипак гиламлар тўқиш билан машғулман. Бу ерда устозим Мастура Маҳмудовадан ҳунар сирларини ўргандим. Ҳозир “Қашқои” деган миллий гилам тўқияпман. Дизайни мураккаб бўлгани боис бу ишни олти ойда якунига етказаман. Гиламдўзлик кишидан сабр-тоқат, қунт билан ишлашни талаб қилади. Маҳсулотларимиз ўзининг бетакрор жилоси, жозибаси билан хорижлик сайёҳларни мафтун этганида, амалий санъатнинг шу турини танлаганимдан хурсанд бўлиб кетаман.

(Давоми 2-бетда).



СЕНАТНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

## Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг муҳим кафолати

Маълумки, бугунги кунда иқтисодиётнинг муҳим таркибига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозорни зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур тармоқ иқтисодиётни диверсификациялаш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ҳам ўта муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш жараёнида хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2010 йил ноябрь ойида Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида 2012 — 2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ҳамда уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонунлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2015 йил 6 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 5 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## Диққат, танлов давом этмоқда!



*“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти* ***“Энг яхши мақолалар ва фотосуратлар”*** *танлови давом этаётганини маълум қилади.*




Юртимизда энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақилликнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб, ушбу ҳужжат ҳар биримизни жонажон Ватанимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишга ундаши шубҳасиз. Шу маънода, танловга тақдим этиладиган материаллар ва фотосуратлар (ёки материаллар ва фотосуратлар туркуми)да 24 йил мобайнида мустақил Ватанимизнинг ривожланишига йўналтирилган улкан ислоҳотлар ва бунёдкорлик фаолиятининг муҳим босқичлари акс эттирилиши лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар рўёбига бағишланиб йўлланган мақолалар, ҳикоялар, лавҳалар, суратлар мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самарасини кўрсатиш, қолаверса, ибратли ишларни йўлга қўйган фидойи замондошларимиз сиймосини тасвирлашдек олижаноб мақсадга қаратилиши, шубҳасиз.

Танловга тақдим этиладиган материалларнинг ҳаётийлиги, ўқишлилиги, лўнда ва ихчамлигига эътибор қаратилади.

**Танловга материаллар қуйидаги тартибда қабул қилинади:**

— муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсга берилмаган ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилмаган муаллифлик мақолалари (электрон ёки А4 форматдаги қоғозга чоп этилган нусхада);

— 2015 йилда jpeg форматда RGB ранглар текислигида суратга олинган, юқори сифатга эга ҳамда камида 2000 пиксель ўлчовдаги фотосуратлар электрон нусхаларда қабул қилинади. Тасвирларда рамкалар, ёзувларга йўл қўйилмайди. Фотосуратлар қисқа ва ишончли имзо билан тўлдирилиши керак.

Ижодий ишларни қабул қилиш 2015 йилнинг 1 декабригача давом этади.

Танловда қатнашиш учун материаллар ва фотосуратларга муаллиф ҳамда унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумот, паспорт нусхаси ва телефон рақамлари илова қилиниши лозим. Энг яхши мақолалар ҳамда суратлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида чоп этилади. Танлов натижаларини кўриб чиқишнинг сўнгги босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан мақолалар ва фотосуратларнинг уч нафар энг яхши муаллифи эълон қилинади. Улар махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

*“Танлов учун материаллар” белгиси остидаги ижодий ишлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририятига қуйидаги манзил бўйича юборилади: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ёки info@xs.uz электрон почтаси.*

*Телефонлар: (0-371) 233-52-55, 233-10-28.*

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг икки чорагида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажми

**18**

фоиз ўсди.

Ўтган даврда ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, тармоққа инвестиция маблағларини фаол жалб этиш туфайли ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

# Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг муҳим кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун янада кенг имконият яратилди. Хусусан, мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ҳамда электр таъминоти тармоқларига уланишда "ягона дарча" тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим қилиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Натижада мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизидан ортиғини ишлаб чиқараяпти, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратиш билан бир қаторда, соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ана шу Фармон талаблари асосида ишлаб чиқилган. Сенат қўмиталари томонидан ушбу Қонунни ялпи мажлисга тайёрлаш жараёнида Ҳукумат, тегишли вазирлик ҳамда қўмиталар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот марказлари экспертлари, олимлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ҳужжат қоидаларида ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари акс этганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутадиган мазкур Қонуннинг мақсади хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини оширишдан иборатдир.

Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий қилинмоқда.

Савдо-сотиқ қоидалари, савдо ҳамда воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилаяпти.

Қонун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйишни соддалаштириш ва уларга қўшимча имкониятларни тақдим қилиши билан аҳамиятлидир. Мисол учун, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ҳамда ҳуқуқлар ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органларига, давлат статистика органларига, банкларга ҳамда бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатсиз берилади. Амалдаги қонунчиликда, албатта, тадбиркорлик субъекти бу ҳақда мурожаат этиши талаб қилинар эди.

Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

Хулоса ўрнида айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ҳамда механизмларини жорий қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.**

# ЁШЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

*Яқинда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган халқаро мусобақада ёшларимиз ҳам иштирок этди.*

ФАХР



В. ГРАНКИН олган сурат.

Жаҳоннинг 29 давлатидан етти юз нафарга яқин ўқувчи қатнашган ушбу нуфузли мусобақанинг индивидуал беллашувида Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тўраев ҳамда Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Аббос Сайлиев кумуш медални қўлга киритди. Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси Сайдали Муродиллаев ва пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 50-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Роберт Честнов эса фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Шу тариқа вакилларимиз нуфузли мусобақанинг жамоавий беллашувларида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

# Расмий ҳужжат сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юқоридагилардан ташқари, унда касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш мақсадида Ўзбекистонда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилгани ҳам маълум қилинган. "Шунингдек, Ўзбекистонда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланаётгани бўғма, полиомиелит, қоқшол сингари касалликларга тўла барҳам бериш имкониятини яратди".

"Бугунги кунда Ўзбекистон болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди", дея таъкидланади мазкур материалда.

Унда мамлакатимиз ёш авлоднинг сифатли таълим олишига катта эътибор қаратаётгани, хусусан, умумий давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётган бўлса, унинг ярми таълим ривожига сарфланаётгани қайд этилган. "Республикада "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатда ягона узлуксиз таълим тизими жорий қилинган. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчиларнинг кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олишидан иборат 12 йиллик таълим мажбурий ҳамда бепулдир".

Шунингдек, ҳужжатда Ўзбекистонда мусиқа, спорт ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" марказлари, турли йўналишлардаги тўгараклардан иборат қўшимча таълим-тарбия тизими ҳам жорий этилгани жаҳон ҳамжамиятига маълум қилинган. Улар болаларнинг бўш вақтини фойдали ва муайян мақсадга йўналтирилган тарзда ўтказишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қурилган ва модернизациялаштирилган қарийб 9,5 мингта мактаб ҳамда 1,5 мингта лицей ва коллежларнинг барчаси зарур замонавий жиҳозлар ҳамда дарсликлар билан таъминланган. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йили ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича дунёда 5-ўринни эгаллади", дейилади тарқатилган ҳужжатда. Унда, шунингдек, Ўзбекистон 2008 йили Халқаро меҳнат ташкилотининг "Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида"ги 182-Конвенциясини, 2009 йили эса "Энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-Конвенциясини ратификация қилгани ва улар амалиётда муваффақиятли қўлланилаётгани ҳам ўз ифодасини топган.

"Бу йўналишда олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида болалар меҳнатига йўл қўйилмаслиги таъминланмоқда. Ана шундай ишларни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлиги остида Болалар меҳнати масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган. Жамоатчилик органи ҳисобланадиган мазкур кенгаш манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар, касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат бўлиб, у доимий асосда фаолият юритади", дея таъкидланади ушбу ҳужжатда.

**«Жаҳон» АА.**
Нью-Йорк

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборли жиҳати, Зарнигор сингари ҳунарга меҳр қўйган ёшлар учун вилоятда "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан 55 та "Устоз — шогирд" мактаби ташкил этилган. Жорий йилда касб-ҳунар коллежларининг 100 нафар битирувчиси ишлаб чиқариш амалиётини худди шу мактабларда ўтади. Бинобарин, "Ғиждувон кулоллик маркази", Вобкент туманидаги "Ҳунармандчилик", Бухоро шаҳридаги "Мис кандакорлиги", "Совға", "Заргарлик", Шофиркон туманидаги "Каштачилик" марказларида ҳам ёшлар ҳунар сирларини қунт билан ўрганишаяпти.

Вилоятда халқ амалий санъатини ривожлантиришга бўлган эътибор йил сайин ошиб бормоқда. Шу ўринда бир мисол. Бухоро шаҳрининг Ибн Сино ва Афросиёб кўчалари кесишмасидан 42 та ер майдони амалий санъат усталарига бепул ажратилди. Бу ерда ҳунармандлар шаҳарчаси қад ростлайди. Ушбу маскан вилоят туризм салоҳиятининг юксалишига, янги иш ўринлари яратилишига, пировардида халқ амалий санъати равнақига хизмат қилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Ли Ук Хон:

# ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш бўйича оқилона сиёсат юритилаётгани туфайли улкан муваффақиятларга эришилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ислом Каримовнинг 2015 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Президент ўз нутқида демократик ислоҳотлар, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд тизимини яхшилаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, инновацияларни янада такомиллаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий тадбиркорликка эркинлик бериш кафолатларини кучайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, коррупция ва бюрократияга қарши курашиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу барча эзгу мақсадлар яқин вақт ичида ўзининг ижобий самарасини беришига ишонаман.

*— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида қайси йўналишларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда?*

— 1992 йил Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, мамлакатларимиз ишончли шерикларга айланди, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда кенг кўламли ҳамкорлик давом этмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг ташрифлари ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 2014 йилнинг июнь ойида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб айнан Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзаро музокаралар натижалари икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангандан сўнг биринчи бўлиб Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Мазкур ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари ўртасида ўтказилган музокаралар, шунингдек, бизнес-форум ва бошқа тадбирлар чоғида савдо, инвестиция, энергетика, табиий ресурслар, ахборот технологиялари, молия, қайта тикланадиган энергия манбалари, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон энергетикаси ва бой табиий ресурслари ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу соҳаларни Жанубий Кореянинг илғор технологиялари, капитали, бой тажрибаси ва ноу-хауси билан бирлаштириш самарали натижалар бермоқда. Сурғил конида ҳамкорликда барпо этилаётган қиймати 4 миллиард АҚШ долларига тенг Устюрт газ-кимё мажмуаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари, суюлтирилган табиий газ ишлаб чиқарадиган «Uzbekistan GTL» заводи, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси ва энергетика ресурсларини ривожлантириш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ ва ҳаётга татбиқ этилаётган бошқа қўшма лойиҳалар шулар жумласидан.

Транспорт, логистика, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳалар ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидир.

*— Ўзбекистонда ташкил этилган индустриал зоналар ва хорижий инвесторлар учун уларда яратилган имкониятлар ҳақида ҳам фикрингизни билдирсангиз.*

— Ўзбекистонда хом ашё экспортини камайтириш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш мақсадида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, солиқ, божхона ва бошқа валюта тўловлари бўйича тақдим этилаётган имтиёзларни юқори баҳолайман. Айни пайтда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ушбу индустриал зоналарда турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, Навоий шаҳридаги аэропорт модернизация қилиниб, унинг базасида халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилгани алоҳида эътиборга молик. 2009 йилнинг январь ойидан Навоий аэропорти «Korean Air» компанияси бошқарувига берилди.

Айни пайтда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган Жанубий Корея компаниялари илғор технологияларни жорий қилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётир. Келгусида қўшма лойиҳаларимиз ҳам ўз самарасини беришига ишонаман.

*— Яқинда Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» X Халқаро мусиқа фестивалида Жанубий Кореядан иштирок этадиган санъаткорлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.*

— Ҳар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Буюк Ипак йўлида жойлашган энг йирик марказлардан бири бўлган ушбу шаҳар Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг маданий алмашинувига фаол кўмаклашган. Мазкур ўзига хос фестиваль турли халқларга ўзининг анъанавий мусиқа санъатини намойиш этиш имконини бермоқда.

Айни пайтда Жанубий Кореяда Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарига қизиқиш ортиб бораётир.

Ўзбекистон халқи шеърият, ашула ва санъатни яхши кўради. Корейс халқи ҳам азалдан шеърият ва адабиётга қизиқади. Бундай ўхшашлик бир-биримизни янада яқинлаштириб, муносабатларимизни мустаҳкамламоқда.

Бу йилги «Шарқ тароналари» фестивалида Жанубий Кореянинг «Пунг Рю» («Нафосат») ансамбли қатнашиб, анъанавий корейс мусиқаси намуналарини тақдим қилади. Бу ансамбль Англия, Америка, Хитой ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро фестивалларда иштирок этган. Мазкур фестивалда уларнинг муваффақият қозонишига умид қиламиз.

*— Тинчлик ва осойишталик — фаровонлик ва қут-барака асоси, шундай эмасми?*

— Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бунинг самарасида минтақада сиёсий ва иқтисодий ривожланишга эришилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда Ўзбекистон фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг ўтган йилги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан БМТ Бош ассамблеясида илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколи якдиллик билан имзоланди. Ўзбекистон томонидан тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Истиқлол йилларида эришган ютуқларингиз билан қутлайман ва бундан буён ҳам улкан муваффақиятларга эришишингизга тилакдошман. Ўзбекистонга равнақ, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**

# Пухта бизнес-режалар

**Уларни амалга оширишда "Микрокредитбанк" сармоялари муҳим аҳамият касб этмоқда.**

*Хусусий сектор — иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Шу боис мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳа вакиллари учун қатор имконият ҳамда имтиёзлар яратиш устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса, мазкур тармоқ ривожи учун йўналтирилаётган инвестициялар маҳаллий ишбилармонларимизнинг истиқболли лойиҳалари рўёбида муҳим ўрин тутмоқда. Бунда юртимиздаги молия муассасаларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.*

MIKROKREDITBANK

ХУСУСИЙ СЕКТОР

Жумладан, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки кейинги йилларда ишбилармонларимизнинг яқин ҳамкорига айланди. Бугунги кунда мазкур банкнинг жойлардаги филиали ҳамда минибанклари орқали аҳоли ва тадбиркорларга замон талаблари даражасида молиявий хизмат кўрсатилмоқда. Бу банк мижозлари сони йилдан-йилга кўпайиб, айни пайтда 300 мингни ташкил этаётганида ҳам кўзга яққол ташланади.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Ушбу корхона "Микрокредитбанк" маблағларидан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораётир. Пировардида кичик бизнес субъекти муваффақиятлари йил сайин кўпаймоқда. Корхона раҳбари Камолиддин Ғиёсов Президентимиз совриниучун ўтказилган "Ташаббус — 2015" кўрик-танловида "Энг яхши тадбиркор" йўналишида ғолиб, деб топилгани сўзимиз тасдиғидир.

"Takro Osiyo" — мато тўқиш ва трикотаж моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 300 дан зиёд турдаги маҳсулотларнинг қарийб барчаси экспортга йўналтирилаяпти. Чунончи, ўтган йили жамиятда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион 36 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бунга илғор технологияларни моҳирлик билан бошқараётган 140 нафарга яқин ишчи-мутахассиснинг меҳнати туфайли эришилди.

Изланиш ва интилиш — ишбилармонликнинг муҳим шарти. Айниқса, экспортбоп маҳсулот тайёрлашда бунинг аҳамияти катта. Зеро, юқори сифат, кўркам дизайн ва мақбул нарх-наво ташқи бозорда муваффақият қозонишнинг устувор мезони. Шунга амал қилган "Takro Osiyo" мутасаддилари хорижий давлатларда ўтказилаётган қатор халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этишмоқда. Натижада корхона буюртмачи ва ҳамкорлари сафи кенгайиши баробарида, илғор тажрибалар чуқур ўрганилиб, жамият фаолиятига изчиллик билан татбиқ қилинаяпти. Бу эса кичик бизнес субъектининг ISO 9001:2008 халқаро сифат сертификатини қўлга киритганида ҳам кўзга ташланади. Ўз навбатида, хорижда корхонанинг савдо уйи очилиб, харидорларга қулайлик яратилди.

Албатта, тадбиркорлик фаолияти, энг аввало, пухта бизнес-режа ва сармоя асосида шакллантирилади. Шу боис "Микрокредитбанк" жамоаси ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Натижада "Takro Osiyo" қисқа муддатда 250 дан ортиқ хорижий шериклар билан ўзаро савдо муносабатларини, Европанинг 6 та йирик шаҳрида эса маҳсулотларнинг доимий сотувини йўлга қўйди. Бундай изланишлар самараси ўлароқ, ўтган йили жамоа аъзолари сони касб-ҳунар коллежларининг 27 нафар битирувчиси ҳисобига янада кўпайди.

**Банк матбуот хизмати.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

## Маҳсулотларга талаб ошди

*Қизилтепа туманидаги "Саёҳат соҳибкори" МЧЖга тижорат банки томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий дастгоҳлар келтирилди.*

ИНТИЛИШ

— Ғиштни тобига етказиб пиширишда тежамкор ва юқори унумли ҳалқали печлардан фойдаланаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Э. Худойқулов. — Натижада иссиқлик сарфи икки баробар қисқармоқда. Шунингдек, бу ерда йилига 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Умуман, 300 миллион сўмлик маблағ эвазига рўёбга чиқарилган лойиҳа самараси ўлароқ, корхона маҳсулотларига талаб ошди. Ҳудудда қад ростлаётган намунавий лойиҳа асосидаги уйлар, маҳалла гузарлари ва маиший бинолар қурилишида шу ерда тайёрланаётган сифатли маҳсулот ишлатилаётгани ҳам бунинг далолатидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

## Сурхондарё вилояти «Термиз халқаро аэропорти» ДУК

**қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоларининг ўтказилиши муддати танлов комиссияси қарорига кўра, 2015 йил 14 августгача узайтирилганлигини эълон қилади.**

Сурхондарё вилояти «Термиз халқаро аэропорти» айлана девори бўйлаб «IP» видеокузатув ва қўриқлаш сигнализацияси мажмуасини ўрнатиш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан — 2 789,257 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2 324,380 млн. сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

***Буюртмачи*** — «Термиз халқаро аэропорти» ДУК.

***Манзил:*** Термиз тумани. Тел.: (0-376) 229-00-01, 229-00-03, факс: (0-376) 229-00-04.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Германия Федератив Республикасининг грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уй, телефон: (0-376) 223-44-73, факс: (0-376) 223-44-78.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 120 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.**
**Ушбу объектнинг танлов савдолари Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда ўтказилади.**

1129А/552

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 25 ИЮЛДАН 31 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 30 июндаги 105-сонли «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702 (2015 йил 3 ноябрдан кучга киради).**

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 68-сонли «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби»нинг 35-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/5-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2015 йил 23 июлдаги 14-сонли «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 июлдаги 246-мҳ-сонли «Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2285-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 3 июлдаги 112-сонли «Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2703 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/9-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-9 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 22 июлдаги 13, 69, 97-сонли «Давлат ресурсларига уруғчилик ва бошқа хўжаликлардан харид қилинадиган уруғлик дон учун навларга устама ҳақ ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2704 (2015 йил 3 ноябрдан кучга киради).**

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 27 июлдаги 71, 01/09-26/19-сонли «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 28 июлдаги 72-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

11. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 28 июлдаги 01/09-26/20-сонли «Акциядорлик жамиятлари акциялари кўринишидаги давлат активларининг таркиби ва уларнинг депозитар ҳисоби хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1076-1 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2015 йил 30 июлдаги 16, 19-мҳ, 33/ққ-сонли «Ижодкор ёшлар республика танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2705 (2015 йил 3 августдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Акциядорлик жамиятлари акциялари кўринишидаги давлат активларининг таркиби ва уларнинг депозитар ҳисоби хусусиятлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1076, 2001 йил 27 октябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 30 июлдаги 252-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05/160

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2015 йил 20 август куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Сариосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 19-1307/17502-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани «Қишлоқхўжаликкимё» АЖда сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 N 422 EA, «КамАЗ-5320» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 20 586 172 сўм.***

* Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 29 январдаги 19-1203/17991-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТ Халқ банки Шеробод филиалида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 48-64 CM, «МТЗ-80Х» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 13 475 000 сўм.***

* Узун тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 июндаги 1-197-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани ИИБда сақланаётган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 U 498 DA, «ГБА СПГ ВАЗ-21013» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 3 181 035 сўм.***

* Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 21 октябрдаги 19-13-01/2471-сонли ижро ажримига асосан хатланган, ЖИБ Узун тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 P 063 CA, «Matiz Best» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 14 669 320 сўм.***

* Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 29 июлдаги 19-1404/8206 сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЖИБ Узун тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 497 CAA, «Damas STD 150» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 19 707 429 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 20 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

2015 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2015 йил 10 июндаги 104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар «Ўзбек Сурхон» МЧЖ майдончасида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Nexia» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм.***

* Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 8 июндаги 1-222-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 Q 548 EA, «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 17 100 000 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш 2015 йил 20 августдаги аукцион савдосига 2015 йил 18 август куни соат 16.00 да ва 2015 йил 4 сентябрдаги аукцион савдосига 2015 йил 2 сентябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20208000204932168018, МФО: 01063, СТИР: 302083379 тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

1144R/33

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Такрорий аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолари сони 13 та, ҳозирги кундаги ҳолати бўйича асосий бинолар сони 11, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизмат биноси, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи ҳудудида (собиқ Д. Тусметов кўчаси)да жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳолатига келтириб, қайта таъмирланган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м., 4 та бино ва 2 та ҳовуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**6.** Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 2-ноҳиясида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м.ни ташкил этиб, ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади).

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**7.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оққовоқ» ҚФЙ, Оқолтин маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м.дан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 21 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилиниб, кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Лицензия: №0039

1139R/6

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 26 август куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси).

***Бошланғич баҳоси — 296 046 533 сўм.***

**2.** Бешариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2013 йил 06 сентябрдаги 1886/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Рапқон» ҚФЙ, «Янги Рапқон» МФЙ, Рапқон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 216 кв.м., фойдаланиш майдони 175,50 кв.м. бўлган 0001-литердаги умумий овқатланиш шохобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 47 958 699 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 24 август куни соат 17.00. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Лицензия: № RR-0017.

1141R/34

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "ТошбошпланЛИТИ" ДУК директори вазифасини бажарувчи Алишер Муҳамадиевга волидаи муҳтарамаси **Муяссар ая МУҲАМАДИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02




# ВАТАНДА БЎЛУР

Истиқлол муштоқраси

*Кимни чорлар боғлар, кимни чўл иси,*
*Кимни мафтун этмас майса, гул иси,*
*Баридан азиздир, билсанг, дил иси,*
*Дил мавжи дил тортар чаманда бўлур,*
*Дилбарлик, дилдорлик Ватанда бўлур.*

*Осмон офтоб билан чарақлар кунда,*
*Осмон моҳтоб билан гўзалдир тунда,*
*Вафосизга Ватан йўқдир очунда,*
*Жон асли жисмда, ҳар танда бўлур,*
*Эл берса эътибор Ватанда бўлур.*

*Булбул бедор бўлса, гули эргашгай,*
*Мардлар йўлга чиқса, эли эргашгай,*
*Туғишган ётгамас, юртга ярашгай,*
*Омад балки санда ё манда бўлур,*
*Шукур қил, у бизда — Ватанда бўлур.*

*Қошингга эгилиб келишин кутма,*
*Йўл кутган, гул кутган дилни унутма,*
*Меҳринг дариғ тутма, элни унутма,*
*Оқибат кўрганлар дилханда бўлур,*
*Эл бахти эл суйган Ватанда бўлур.*

*Ватан — йўл ёритган умринг чироғи,*
*Ватан — дуо тутган дилнинг булоғи,*
*Севинмоқ сабоғи, севмоқ сабоғи,*
*Баҳорлар тарк этмас чаманда бўлур,*
*У — озод, у — обод Ватанда бўлур.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# «The Sekai Nippo» газетаси кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ҳақида

*Яқинда Японияда нашр этиладиган "The Sekai Nippo" газетасида "Самарқанд: Шоҳи Зинда мажмуининг гўзаллиги ва улуғворлиги" сарлавҳали мақола чоп этилди. У мазкур газетанинг мухбири Сусуми Фужихаши қаламига мансуб.*

## ДУНЁ НИГОҲИ



Мақолада шоирлар томонидан "Шарқ марвариди" дея таърифланган Самарқанд кўҳна тарихга эга эканлиги ҳақида ёзилади. Буюк Амир Темур бошқаруви даврида шаҳар илм-фан ва маданият марказига айлангани ҳолда шитоб билан ривожлангани япон ўқувчиларининг эътиборига ҳавола қилинган.

"Афросиёб шаҳарчасидан унча узоқ бўлмаган масофада Самарқанднинг ажиб ва бетакрор меъморий ёдгорликларидан бири — Шоҳи Зинда мажмуаси жойлашган, — деб ёзади муаллиф. — Унда мовий рангда товланиб турадиган мақбаралар кетма-кет жойлашган. Шоҳи Зинда кўҳна Самарқанднинг гўзаллиги ва маҳобати билан кишини ҳайратга соладиган меъморий ёдгорлигидир".

Муаллиф ўз мақоласида Шоҳи Зинда ансамбли нафақат тарихий-меъморчилик ёдгорлиги, балки машҳур зотларнинг абадий оромгоҳи эканлиги ҳақида атрофлича тўхталган.

**«Жаҳон» АА.**
Токио






Реклама ва эълонлар









# Обод юртнинг бахтиёр ёшлари

*Жиззахда "Обод диёрнинг бахтиёр ёшлари" фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Мустақилликнинг 24 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда таниқли санъаткорлар, ёш ижрочиларнинг концерт дастурлари, театр ва кино актёрларининг чиқишлари, ёзувчи ҳамда шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди.*

ФЕСТИВАЛЬ

Иштирокчилар вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар билан танишдилар. Шунингдек, тадбир давомида ёшлардан иборат гуруҳлар томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари ҳолидан хабар олишга қаратилган "Нуронийлар эъзозимизда", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳалари ҳам амалга оширилди.

Жиззах шаҳридаги "Сўғдиёна" стадионида 7 минг иштирокчи қатнашган якуний тадбирда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими, академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси хонандалари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.37 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5